



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (12.346)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Қарор ва ижро

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ДУНЁГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Чет тилларини билиш жаҳон маданияти ютуқларидан ва ахборот ресурслари имкониятларидан баҳраманд бўлиш, дунё микёсида мулоқот қилиш ва халқаро ҳамкорликка йўл очади. Шубҳасиз, тил ўрганишда мактаб таълими асосий ўрин тутди, айнан шу даврда бола асосий билимларни, грамматика қоидаларини ўзлаштиради. Маълумки, чет тилини болаликдан ўрганиш яхши самара беради. Айнан шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб чет тилларни ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланиши белгилаб қўйилган.

– Мактабимизда иккита чет тили – инглиз ва испан тили ўқитилади, – дейди 105-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Акмал Хўжаев. – Бу испан тили ўқитиладиган пойтахтимиздаги ягона мактаб. Ҳар бир бола қайси тилни ўрганишини мустақил равишда танлаши мумкин. Дарсларни замонавий педагогик технология-

Пойтахтимиздаги 105-умумтаълим мактабида ушбу билим масканида меҳнат қилаётган чет тиллари ўқитувчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича гуруҳлар ташкил қилинди. Ушбу курсларда ўқитувчилар умумтаълим мактабининг бошланғич синфларида дарс бериш учун зарур бўлган асосий кўникмалар ва педагогик технологияларни ўзлаштириши мумкин.

ларни пухта ўзлаштирган ўқитувчилар олиб бормоқда. Алоҳида кабинетлар зарур ўқув материаллари ва кўргазмаларни воситалар билан таъминланган, ўқувчиларга ўқув адабиётлари ва бошқа китоблар тарқатилган.

Дарсларнинг сифатини ошириш учун мактабда чет тиллар ўқитувчилари учун турли тренинг ва семинарлар уюштирилмоқда.

Мактабда испан маданияти ва инглиз тили кунларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Тадбирни қизиқарли ўтказиш учун маданий дастур тузилади, ундан концерт, турли мавзуларга бағишланган суҳбатлар ўрин олади. Бундай байрамларда албатта испан ва инглиз адабиётининг машҳур шоирлари асарларидан намуналар ўқилади.

Мактаб билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг испан филологияси фа-

культети ўртасида шартнома тузилган бўлиб, ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилинади. Мактаб ўқитувчиларининг очиқ дарсларида испан тили мутахассислари ва университет педагоглари иштирок этади. Мактабда махсус тил тўғрақлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

– Болаларга испан тилини ўргатиш мақсадида дарсларимизни қизиқарли шаклда ташкил қилишга интиламиз, – дейди испан тили ўқитувчиси Дурдона Широнова. – Мактаб сабоқлари ва тўғрақ машғулотири бир-бирини тўлдирди ва яхши натижаларга эришиш имконини беради. Бу борада болаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришга муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам кичик-кичик ҳаққоқлар тузиш болаларнинг севимли машғулотига айланган.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Бельгияда ҳар йили ўтказиладиган «Vacantiesalon» халқаро ярмарка-кўргазмасида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти тақдим этилди. Тақдимот чоғида Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг тараққиёти, юртимиз тарихи, бой маданий мероси ва ранг-баранг миллий анъаналари ҳамда халқ амалий санъатида доир атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчилари ва унинг меҳмонлари эътиборига ҳавола қилинди.

«VACANTIESALON» ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТГА ЧОРЛАЙДИ

Жорий йили ушбу халқаро ярмарка-кўргазмада АҚШ, Германия, Испания, Канада, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Туркия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи сайёҳлик компаниялари иштирок этди. Уларга «Vacantiesalon» яна бир бор янги сайёҳлик мавсумини қамраб оладиган кўплаб ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаш имконини яратди.

Мазкур анъанавий ярмаркада қатор мамлакатлар қаторида Ўзбекистон бўйлаб саёҳат дастурлари ҳам тақлиф этилди. Жумладан, Европанинг «Bt Tours», «Escape», «Ansel Travel», «Dromen», «Djoser», «Hobo Reisen», «Terra Travel», «Kuoni», «Koningar», «De Reisspecialist» сингари етакчи компаниялари кўргазма меҳмонларига мамлакатимиз бўйлаб қизиқарли саёҳатларни ўз ичига олувчи дастур ҳамда қўлланма ва рисоаларни тақдим этдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида «De Reisspecialist» компаниясининг менежери Вили Кроес европаларнинг Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Унинг фикр билдиришича, Ўзбекистон сайёҳлик компанияларининг бу каби йирик халқаро анжуманлардаги мунтазам иштироки юртимизга келадиган сайёҳлар сонининг янада кўпайишига хизмат қилмоқда.

Бельгиялик ёзувчи ва сайёҳлик оператори Мали-Хелен Де Шпигелер сўнгги йиллар мобайнида бир неча маротаба Ўзбекистон бўйлаб сафар уюштириш имкониятига эга бўлганини таъкидлар экан, мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари қадим шаҳарларида қад кўтарган бетакдор меъморийлик обидалари уни бениҳоя мафтун қилганини айтди.

– Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилар экансиз, ўзингиз учун кўплаб янги ва ажойиб туйғуларни ҳис этасиз, – деди у. – Унутилмас ва бекиёс саёҳатларимдан бирида чексиз Қизилқум саҳросининг гўзаллигидан, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан хайратга тушдим, у ерда ҳўм сурадиган оёқлиқлар ва табиийликдан завқ олиш имкониятига эга бўлдим.

Бельгиялик ёзувчи тез орада ўзининг Ўзбекистон мавзусига бағишланган китобини ёзишга киришишини ҳам маълум қилди.

«Жаҳон» АА
Брюссель

қобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Ғафоров таъкидлади.

Янги қўмита фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк микёсларини кенгайтириш, монополияга қарши тартибга солиш ишлари самарадорлигини ошириш ва реал рақобат муҳитини шакллантириш, фонд бозори, айниқса, иқтисодий фонд бозорини жадал ривожлантириш ҳамда корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштиришдан иборат.

Анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан янги идора олдига хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ҳўжалик субъектларидаги давлатга тегишли активлар ва акциялар (улушлар) пакетларини хусусий мулк қилиб сотиш, давлат тасарруфидан чиқаришда давлат мулкнинг хусусий мулкдорларга сотилишининг очиқ ва ошкоралигини таъминловчи янги шакл ва усулларни жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш вазифалари қўйилгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими томонидан «Маҳалла институти: миллий демократик анъаналар ва қонунчиликни такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирувини ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида»ги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча жойида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тانتанали кузатиш тадбирлари давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг яқинда фойдаланишга топширилган йигин пунктида бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий ижодкорлар уюшмаси томонидан «Илҳом дунёси» деб номланган кўчма кўргазма очилди. Обод турмуш йилига бағишланган кўргазмага кенж жамоатчилик вакиллари, тасвирий санъат иҳлосмандлари ва ёшлар ташриф буюрди.

● Фарона вилояти адлия бошқармасида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазмун-моҳиятини тарғиб этишга бағишланган семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Бугун эрталабга келиб Арманистонда ўтказилган Президент сайловларида, сайлов участкаларида берилган овозларнинг 99,6 фоизи қўриб чиқилди. Республика Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, мамлакатнинг амалдаги Президент Серж Саргсян 58,68 фоиз овоз тўплаган ҳолда етакчилиكنи ўзида сақлаб қолди.

● Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда ҳамон молиявий-иқтисодий инқироз ҳўм сурмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг тўртинчи чорагида ҳудуддаги давлатлар ялпи ички маҳсулотини 0,6 фоизга қисқарган. Айрим давлатлар хусусида тўхталадиган бўлсак, иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама бақувват ҳисобланган Германияда ялпи ички маҳсулотнинг 0,6 фоизга, Францияда эса 0,3 фоизга пасайгани кузатилган. Бу борада қўрилаётган чора-тадбирлар туғайли, жорий йилнинг иккинчи ярмида ижтимоий кўрсаткичларнинг бирмунча яхшиланиши кўтилмоқда.

● Ўтган йилда дунё бўйича 1,75 миллиард донга мобил алоқа воситаси сотилган. Бу олдинги йилдаги кўрсаткичдан 1,7 фоизга кўпдир. Маълумотларга кўра, мобил телефонлари савдоси борасида Жанубий Кореянинг «Samsung» компанияси етакчилик қилган бўлиб, йил давомида халқаро микёсда сотилган жами қўл телефонларининг 22 фоизини мазкур корхона етказиб берган. Бу борада кўп йиллар пешқадамликни қўлдан бермаган Финляндиянинг «Nokia» компанияси эса 19 фоизли кўрсаткич билан иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, АҚШнинг «Apple» компанияси 7,5 фоизлик савдо билан кучли учликдан ўрин олди.

● АҚШнинг қирғоқни қўриқлаш хизмати маълумотларига қараганда, тўрт кун давомида Мексика кўрғазмида бузуқ ҳолда туриб қолган «Карнивал Триумф» йирик сайёҳлик кемасида ёнилғининг сизиб чиқиши носозликка сабаб бўлган. Ушбу носозлик дизель двигатели ёнилғи узатиш тизимининг бўзилиши натижасида кеманинг машина бўлимида юзага келган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини

ошириш институтида Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган вазифалар хусусида

тадбир уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактабида гиёҳвандликка қарши кураш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Халқаро маданият қарвонсаройида «Обод турмуш йили»га бағишланган «Фаровонлигимиз йўлида» мавзусида давра суҳбатини ўтказилади.

Халқ ҳокимияти, халқ хоҳиш-иродаси, очиқ ва эркин сайловлар демократиянинг универсал талаблари, унинг ажралмас қисми саналади. Сайлов ҳуқуқи ҳар бир давлатда унинг тарихий аънаналари, сиёсий тизим характери, электорат ҳулқи ва бошқалар билан боғлиқ ўз хусусиятларига эга. Шу билан бирга, демократик давлатларда сайлов ҳуқуқи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган ва умумэтироф этилган тамойилларга асосланади. Улар сирасига сайлов ҳуқуқининг умумийлиги ва тенглиги, яширин овоз бериш ҳуқуқи ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон асосий стратегик вазифалардан бири – демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишда салмоқли натижаларга эришди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини тадрижий, босқичма-босқич либераллаштириш ва демократлаштиришни таъминлайдиган барча зарурий ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Шу маънода замонавий Ўзбекистонни модернизациялаш, шунингдек, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий янгиланишини қамраб олган барча ислохотлар ривожланаётган демократик мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш натижалари ва кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, аънаналари ва қадриятлари асосига қурилгани алоҳида аҳамият касб этади.

Тамомила янги давлат тузумини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий қурилиш, ҳокимият тармоқларининг демократик бўлиниши масалаларида сайлов институти – халқ ҳокимиятининг конституциявий тамойиллари, шунингдек, жамиятда сиёсий ва ижтимоий плюрализмини таъминлайдиган сайлов қонунчилигининг самарали тизимини яратиш муҳим ўрин тутди.

Декабрь ойида йигирма йиллигини нишонлаганимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз сайлов ҳуқуқининг асослари белгилаб берилган. Асосий Қонунимизда сайловлар ўтказишнинг умумэтироф этилган ва демократик мамлакатларда амал қиладиган қоидалар асосида шакллантирилган демократик тамойилларининг мустаҳкамлаб қўйилгани фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқининг амалга оширилишига хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, сайлов қонунчилиги ва унинг ҳаётга татбиқ қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ажралмас қисмига айланди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимларнинг изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими барпо этилди.

Сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва тамойилларга мос келадиган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигида давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди.

Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов-жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг замон талабларига жавоб берадиган ва халқимизнинг аънавий қадриятлари ҳамда менталитетини тўлиқ акс эттирадиган мустаҳкам қафолатлари яратилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» Концепцияси республикани ислох этиш ва демократлаштириш жараёни, давлат ва жамият қурилиши соҳаси, ҳуқуқий тизим, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришда янги босқични бошлаб бери.

Мазкур тарихий ҳужжатда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган сайлов ҳуқуқининг эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қонунчилик ташаббуслари ривожланишининг замонавий босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, уларнинг очкичилигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мустақил билдиришининг мавжуд механизмларини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлди.

Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Концепцияда эълон қилинган қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилаётганининг далилидир. Мазкур Қонун мамлакат парламенти томонидан қабул қилинди ва маъқулланди, Президент томонидан 2012 йилнинг 19 декабрида имзоланган ва марказий ОАВ ларида чоп этилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалалари демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Шу муносабат билан, Қонунни тайёрлаш жараёнида кўплаб хорижий давлатлар, жумладан, АҚШ, Канада, Германия, Франция, Испания, Жанубий Корея, Япониянинг сайлов тизими, шунингдек, Ўзбекистонда 2004- ва

ОЧИҚ, ЭРКИН САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

2009-йиллардаги сайлов жараёнлари таҳлил қилинди. Қонун Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, вазирлик ва идора-лар экспертлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, фуқаролик жамияти институтлари, хорижий олимлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари иштирокида кенг муҳокама этилди.

Мазкур Қонун билан мамлакатимиз сайлов тизимига қатор янгилликлар киритилди. Жумладан, сайловолди ташвиқотининг моҳиятини ёритиш ва бир ҳилда тушунилишни таъминлаш мақсадида унинг таърифи келтирилди: «сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият».

Сайловолди ташвиқоти самарадорлигини ошириш мақсадида Қонунда унинг турлари, олиб бориш шакли ва методлари белгиланди. Жумладан, Сиёсий партияларнинг ўз депутатликка номзодлари учун овоз беришга қаров дастури ва (ёки) сайловолди платформи ҳақида ахборот тарқатиш, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни унинг учун овоз беришга даъват қилган ҳолда тарқатиш кўринишида амалга ошириш мумкин.

Сайловолди ташвиқоти шакллари омма олдидидаги дебатлар, мунозаралар, матбуот анжуманлари, интервьюлар, чиқишлар, сайловчилар йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия ҳақида роликларни жойлаштиришдан иборат бўлди.

Сайловолди ташвиқот методлари – ОАВ, жумладан, телевиденидан фойдаланиш; босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ва тарқатиш; сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиди.

Бунда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти олиб боришнинг қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тур, шакл ва методларидан фойдаланишга руҳсат берилди.

Қонунда сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур норма сайловчиларга ўз қарашлари, сиёсий устуворликларини аниқлаштириш ва кимга, қайси сиёсий партияга овоз бериш бўйича онгли қарорга келиши учун қўшимча вақт бериш мақсадида киритилди.

ди. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли қонунбузиш ҳолларнинг олдини олиш имконини беради.

Қонунда мuddатидан олдин овоз беришнинг мuddатлари, тартиби ва таомиллари мустаҳкамлаб қўйилди. Аввал амалда бўлган нормага мувофиқ, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини сўраб олиши, қарор қилиши ва уни ёпиқ конвертда қолдириши мумкин эди. Бироқ мазкур норма нафақат олдиндан овоз беришнинг мuddатлари, балки мuddатидан олдин овоз беришнинг бутун таомилини ҳам назарда тутмаган. Шу муносабат билан эндиликда Қонунда қуйидаги қоидалар ўрнатилди:

- мuddатидан олдин овоз бериш сайловдан 10 кун олдин бошланади ва 1 кун олдин тугалланади;
- мuddатидан олдин овоз бериш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчилар, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари маълум қилинади;
- мuddатидан олдин овоз бериш учун сайловчининг (сайлов куни бўлмаслиги сабаби кўрсатилган) аризаси талаб қилинади;
- сайлов варақаси участка сайлов комиссиясининг камида 2 нафар аъзоси ҳузурда берилади;
- сайлов варақаси конвертга солинади, у муҳр ва комиссиянинг 2 нафар аъзоси ҳамда сайловчининг имзоси билан мустаҳкамланади.

Таъкидлаш зарурки, мазкур норма мuddатидан олдин овоз бериш тартибини янада батафсил белгилайди ва мазкур таомилнинг ошқоралигини таъминлаш имконини беради.

Қонунга «овоз беришга қадар уч кун мобайнида, шунингдек, овоз бериш куни сайлов билан боғлиқ ижтимоий сўров натижаларини, сайлов натижалари прогнозлари, сайлов билан боғлиқ тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш), жумладан, уларни умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ахборот-телекоммуникация тармоқларида (хусусан, Интернет тармоғида) жойлаштиришга йўл қўйилмаслигини» назарда тутадиган норма киритилди.

Мазкур норманинг киритилиши сайловчилар ҳуқуқларини янада таъсирчан ҳимоя қилиш, у ёки бу номзодга нисбатан ноҳолис муносабатга йўл қўйилмаслиги ҳамда сайлов қонунчилиги бўзилиш эҳтимолининг олдини олишга кўмаклашади.

Сайлов жараёнининг очкичилиги нуктаи назаридан асосий масалалардан бири, маълумки, сайловларни кузатиш имконияти саналади. Эндиликда Қонун билан Кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш бўйича Конференциясида қатнашиш ҳуқуқи берилди. Бу ҳуқуқий механизм Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар сайлашнинг очиқ ва ошқоралигини таъминлаш имконини беради.

Сайлов жараёнининг муҳим босқичи – овоз бериш таомилига ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди. Бу қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш мумкинлиги билан боғлиқ, Мазкур норманинг киритилиши қамоқда сақланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ни янада кўпроқ таъминлашга имкон беради. Ўзбекистонда, дунёнинг кўпчилик демократик мамлакатларидаги каби овоз беришда қатнашиш фуқаронинг узвий, амалга оширилиши Конституция билан қафолатланадиган ҳуқуқларидан саналади. Мазкур ҳуқуқлар халқаро ҳужжатларнинг акарият кўпчилигида, жумладан, «Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенция»да (1996) мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман, мазкур Қонуннинг ижро этилиши сайлов эркинлиги тамойилини бунданга тўлиқ амалга ошириш, мамлакат сайлов тизимини янада демократлаштиришга кўмаклашади, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда тенг шароитларни яратиш самарадорлигини оширади, шунингдек, депутатлар сайлови очиқ ва ошқоралиги тамойилларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

С.Артикова,
Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси
Н.Зириллаева,
кўмита эксперти

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ИШЛАРИ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 25 апрелда қабул қилинган «2012-2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш дастури тўғрисида»-ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида 194 давлат мулки объекти баҳоланиб, ундан 96 объект очиқ савдога қўйилди, 26 таси эса сотилди.

Матбуот анжуманида ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Ижтимоий аҳамиятга эга 1187 объект рўйхати тасдиқланди, улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари белгиланди. 441 давлат мулки объекти маҳаллий ҳокимият органлари балансига ўтказилди, 65 объект бўйича тендер савдолари шартлари тасдиқланди.

Рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида кўмита томонидан товар ва молия бозорларини ўрганиш, рақобатга қарши ҳаракатларни аниқлаш ва бартараф этиш, тендер савдоларида ва тадбиркорлик субъектларининг биржа савдолари орқали юқори кўриш маҳсулот сотиб олишида тенг шароитлар яратиш ҳамда табиий монополиялар субъектлари фаолиятини тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари давом эттирилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Транспорт

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИГА КЕНГ ЙЎЛ

Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан тизим салоҳиятини ошириш йўлидаги изланишларга катта эътибор берилмоқда. Компания томонидан ўтказилаётган «Энг яхши рационализаторлик таклифлар» танлови ҳам айнан юқоридаги вазифаларга қаратилган.

Навбатдаги танловда қимматбаҳо деталларнинг хизмат мuddатини узайтириш, хом ашё воситаларини иқтисод қилишга доир изланишларга алоҳида эътибор билан ёндошилди.

«Контактсиз трансмиттер БТ-2» темир йўл йўлчироқларидаги сигналларни ўчириш тизимини осонлаштириш, унинг ишининг янада самарадор бўлишини таъминлашга қаратилган таклиф ҳам эътиборга сазовордир.

Тошкент Темирйўл транспорти муҳандислари институти «Автоматика ва телемеханика» факультети изланувчан олимлари ҳам танловда юқори кўрсаткичга эришдилар. Жумладан, «Контактсиз минипроцессорли кодли йўл транспортери» мосламаси аввалги мавжуд КПТ-5 ва КПТ-7 лардан кам энергия сарфи, ишлатиш мuddатининг узоклиги, ҳарорат диапазонининг катталиги билан фарқ қилади.

СОҲАГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурида аҳолини безарар, самарали дори воситалари билан таъминлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Ана шу муҳим масалаларни ҳал этишда Тошкент Фармацевтика институти олимлари самарали изланишларни амалга оширмоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш мақсадида «Саноат фармацевтика» йўналиши очилди. Натижада республикада мавжуд бўлган 100 га яқин фармацевтик корхоналар учун малакали мутахассис-фармацевт кадрлар тайёрлаш имкониятига эга бўлинди. «Касб таълими» йўналиши бўйича педагогик кадрлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Шунингдек, олий ўқув юртида клиник фармация йўналиши ҳам очилди.

Ақбар АЛИЕВ

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Барча жойда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»-ги Қарори ижроси юзасидан мўайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, шахримизнинг барча туманларида тадбиркорлик субъектларининг шикоятлари ва муаммоларининг амалда ечилишини таъминлашга қаратилган «Тадбиркорлар куни» ташкил этилаётир.

Ана шундай тадбирнинг навбатдагиси Учтепа туманида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси бошқармасининг Учтепа туман ахборот маслаҳат маркази ва туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда палатанинг Тошкент шаҳар бошқармаси вакиллари, туман солиқ инспекцияси, тижорат банклари, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижти-

моий ҳимоя қилиш маркази масъул ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди. – Бундай тадбиркорлар ўтказилиши биз, тадбиркорлар учун ҳар жиҳатдан фойдалидир, – дейди «Ozodxon gloxy» масъуляти чекланган жамияти раҳбари Нуриддин Илёсов. – Зеро, соҳада юзага келган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этилишини таъминлаш ишлаб чиқариш ривожига салмоқли ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Тадбирда бугунги кунда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларни тумандаги назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этиш бўйича сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, Учтепа туманида Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, аёллар ва ёш мутахассис-

ларни тадбиркорликка кенг жалб этишга муҳим эътибор қаратилиб, улар ўртада тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Тегшли соҳа вакиллари иштирокида маҳалларда ўтказилаётган учрашувларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар хусусида, қасаначиликнинг ўрни ва аҳамияти, бу борада берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида фикр алмашилаётир.

– Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши жамият раънақининг гаровидир, – дейди Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Каримова. – Тадбиркорликнинг бундай кўриниши хотин-қизлар бандлигини ошириш баробарида уларнинг оиласи фаровон, турмуши обод, ҳаёти янада гўзал бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ



СУРАТЛАРДА: «Artel» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар.

Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар





Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган суратлар

Мамлакатимизда бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Спорт мажмуаларининг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган инвентарлар билан жиҳозланмоқда. Ушбу соҳага ихтисослашган субъектларнинг қўллаб-қувватланаётгани, уларга кенг имтиёз ва қўлайликлар яратилаётгани бунда муҳим омил бўлаётди.

Пойтахтимиздаги «Azia Sport-S» фирмаси ана шундай корхоналардан. Буюк Британиянинг спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи «Admiral» компаниясининг расмий вакили сифатида 1995 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Azia Sport-S» фирмаси Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Зеро, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт анжомлари ва инвентарларни харид қилишда сифатига, кўринишига алоҳида эътибор қаратилади.

Илгари барча спорт инвентарлари, ҳатто оддий гимнастика тасмаси ҳам четдан келтирилган, нарх-навоиси ҳам шунга яраша юқори бўларди, — дейди «Azia Sport-S» фирмаси директори Саидахмад Камолов. — Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида спорт анжомлари ва ускуналарнинг аксарияти юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хомашё асосида тайёрланган бу маҳсулотларнинг сифати юқори бўлиши билан бирга нархи хорижикидан анча арзон.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шароитлардан унумли фойдаланаётган «Azia Sport-S» фирмаси маҳсулотлар тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан йилга кенгайтириб бор-

Болалар спорти

СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

моқда. Дастлаб гимнастика учун ўн хилга яқин маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозир ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган спорт товарлари тури элликлдан ошди. Янги иш ўринлари ташкил этилиб, кўплаб ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Фирманинг ишлаб чиқариш цехида дурадгорлик, темирчи-чилангарлик, бўёқчилик ва тикувчилик бригадаларида ўттиз нафарга яқин мутахассис меҳнат қилаётди. Бу ерда спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, стол тенниси, енгил атлетика, оғир атлетика, бадминтон, бокс, шахмат ва шашка каби қатор спорт турлари учун мўлжалланган маҳсулотлар, тренажёрлар, тўшамалар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришда Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати», Тошкент лок-бўёқ заводи, бир қатор хусусий корхона ва тадбиркорлар томонидан етказиб берилаётган маҳаллий хомашё маҳсулотлари ва бутловчи қисмлардан кенг фойдаланилмоқда.

— Болалигимда боксга жуда қизиқардим, — дейди дурадгор Валихон Шералиев. — Лекин у пайтларда спорт билан шуғулланиш учун ҳозиргидек шарт-шароит йўқ эди. Шу нарса ар-

Президентимиз Ислоҳ Каримов спорт анжомларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, кўриниши болаларни ўзига тортадиган, қўлай ва хорижикидан қўлишмайдиган спорт инвентарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаганди.

мон бўлиб қолганиданми, бокс ринглари тайёрлаш менга катта завқ бағишлайди. Тайёрлаётган буюмларимиз ҳар томонлама қўлайлиги, сифати ва пишиқлиги билан ажралиб туради. Биз етказиб бераётган маҳсулотлар навқирон авлоднинг спорт билан шуғулланишига, улар баркамол ва соғлом вояга етишига хизмат қилаётганидан хурсандмиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва қатор спорт федерациялари «Azia Sport-S» фирмасида ишлаб чиқарила-

лар, бокс ринги каби спорт инвентарлари билан таъминланган. Ушбу жиҳоз ва анжомлардан болалар ҳар кун фойдаланади. Орадан икки-уч йил ўтганига қарамай кўриниши ва сифати асл ҳолича сақланиб тургани уларнинг халқаро талабларга жавоб беришидан далолатдир.

— Мен икки йилдан буён стол теннисига қатнашаман, — дейди Ўзбекистон чемпионати совриндори Ўғилшод Омонова. — Тажриба ва маҳоратимизни ошириш учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Теннис столи ва ракеткалари ҳар жиҳатдан қўлай ишланган. Ҳозир «Azia Sport-S» фирмасининг ракеткасида ўйнаяпман. У менга ҳар томонлама маъқул.

— Юртимизда ишлаб чиқарилган бокс ринги ҳеч бир жиҳати бўйича хориж фирмаларининг маҳсулотидан қўлишмайди, — дейди мураббий Олим Назаров. — Бир пайтлар ана шундай сифатли рингларда машғулот ўтказишни орзу қилар эдик. Бундай бахт шогирдларимга насиб этганидан хурсандман. Чунки спортда қандай шароитда машғулот ўтказиш мусобақалар натижасига бевосита таъсир қилади. Келажакда шундай ринглардан чиққан боксчилар жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда юксак натижаларни кўлга киритишига аминман.

«Azia Sport-S» жорий йилнинг январь ойидан бошлаб Андижондаги «Ўз-Тонг-Хонг Ко» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда брендли спорт товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда баскетбол, волейбол, футбол ва теннис тўплари «Admiral» бренди остида ишлаб чиқарилмоқда.

Спорт инвентарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имконият ва имтиёزلардан фойдаланган ҳолда «Azia Sport-S» фирмаси ҳам фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янги турдаги спорт инвентарларини тайёрлашни ўзлаштиришга интилмоқда. Бу спорт мажмуаларининг сифатли инвентарлар билан таъминлаш болаларнинг спорт билан шуғулланишига янада қўлай шарт-шароит яратиш, пировардида, ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўлгайишига хизмат қилади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

нақшлардан кишининг ақли шошади. Бу ерда сайёҳлар маҳаллий хунармандлар расталарига боришлари, ҳар кишининг таъбиға мос келадиган совғаларни олишлари мумкин», деб ёзади у.

Шунингдек, мақолада бугунги Самарқанднинг шимолий чеккасида жойлашган қадимги Афросиёб шаҳри ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Қарийб 3000 йиллик тарихга эга бўлган Афросиёб қўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим маркази ҳамда етакчи бoғловчи нуқтаи бўлгани таъкидланади.

Германияда чоп этиладиган яна бир нашр — «Лейпцигер Рундшау» газетасида эълон қилинган мақола эса «Гўё «Минг бир кеча»га мўжассам ҳаққоният» деб номланади. Унда Ўзбекистоннинг очик осмони остидаги музей шаҳри — Хиванинг ноёб ва бетакрорлиги тафсилотлари қаламга олинган.

«Лой деворлар билан ўралган қадим шаҳарнинг ичига кирганингиздан сўнг ўзингизни гўё узок мезийда ҳис қиласиз. Эски шаҳар чеккасида қадимги қалъа — Куна Арк қад ростлаган. Қўллаб бетакор масжид ва макбаралар, уларнинг ажиб нақшларию гўмбазлари киши эътиборини оҳанрабодек ўзига тортади», деб ёзади нашр.

Мақолада, шунингдек, Хива баргидидаги тарихий минора ва бошқа меъморий ёдгорликлар ҳақидаги асосий маълумотлар ҳам немис ўқувчиларининг эътиборига ҳавола қилинган.

«Жаҳон» АА
Берлин

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ НЕМИС МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Масалан, яқинда **Бранденбург федерал ерида нашр этиладиган «Меркисе Одерцайтунг»** газетаси саҳифасида Самарқанднинг сайёҳлик салоҳияти мавзига бағишланган мақола эълон қилинди. Ушбу кўҳна ва хамиша навқирон шаҳарда қарор топган меъморий ёдгорликларга оид атрафлиха маълумотлар ўз ифодасини топган мазкур мақолада Самарқанд Буюк Ипак йўли жаҳоҳири ва Ўрта Осиёнинг энг гўзал маркази, дея таърифланади.

Немис газетхонларини шаҳар билан таништирар экан, мақола муаллифи Х.Тилике улуг мутафаккир ва давлат арбоби Улугбек барпо этган расадхона хусусида алоҳида тўхталади. Муаллиф ўз вақтида ушбу иншоот Шарқдаги энг катта расадхоналардан бири бўлгани ҳақида

ёзар экан, бугунги даврга келиб мазкур ёдгорлик жойлашган даҳа шаҳар аҳлининг ҳамда дунёнинг турли нуқталаридан келадиган кўп сонли сайёҳларнинг сеvimли масканига айланиганини алоҳида қайд этади.

Сўнгра нашр ўз ўқувчиларини шаҳар маркази бўйлаб «саёхатга» чорлайди. Х.Тилике афсонавий Регистон майдони ҳақидаги таассуротларини қаламга олар экан, уни Ер шаридидаги энг чиройли зиёратгоҳлардан бири, дея таърифлайди.

«Майдондаги меъморий ансамбль, яъни уч маҳобатли мадраса ўзига хос гўзал манзарани ҳосил қилган. Хоҳ кундузи, хоҳ кечаси бўлсин, ҳар қандай инсон ушбу майдоннинг мўъжизавийлигини ҳар дамда ҳис қиладди. Ноёб меъморий ёдгорликлардаги ранг-баранг

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

д/р. 11 АО 278 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 582 797 сўм. 11. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 АО 357 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 705 378 сўм. 12. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 АО 339 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 374 249 сўм. 13. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 АО 916 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 333 422 сўм. 14. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 АО 904 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 288 147 сўм. 6. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 АО 338 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 374 196 сўм. 7. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 АО 349 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 374 196 сўм. 8. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 АО 356 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 582 797 сўм. 9. 2002 й. «Мидибус-24,9», д/р. 10. 119 БАА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 431 305 сўм. 10. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 19. Зангиота тумани СИБ то-

монидан № 19191/7-сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и/ч. «Опел Астра» русумли, д/р. 10 Т 743 СА. Бошланғич баҳоси — 22 239 000 сўм. Зангиота тумани СИБ-да сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 7 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 20. Пискент тумани СИБ томонидан 13.12.2012 й. ижро ҳужжати асосан 2007 й. и/ч. «Дамас» русумли, д/р. 10 J 106 DA. Бошланғич баҳоси — 16 021 200 сўм. 21. 13.12.2012 й. ижро ҳужжати асосан 2010 й. и/ч. «Нексия-Н-150» русумли, д/р. 10 639 LAA. Бошланғич баҳоси — 18 934 570 сўм. Паркент тумани ИИБ ДАН жарима майдончасида сақланмоқда. 22. Чилонзор тумани СИБ томонидан 09.07.2012 й. № 1-240/12 - сонли ижро ҳужжати асосан 1998 й. и/ч. «Мерседес Бенц E200» русумли, д/р. 01 J 655 FA. Бошланғич баҳоси — 32 000 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБнинг «Эркин» жарима майдончасида сақланмоқда. 23. 02.11.2012 й. № 2-134/2012 - сонли ижро ҳуж-

жати асосан 2011 й. и/ч. «Нексия» русумли, д/р. 01 869 TTA. Бошланғич баҳоси — 28 750 925 сўм. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Катортол кўчаси, 29-уй, 5-таксопаркда сақланмоқда. 24. 29.09.2012 й. № 1-273/2012 - сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и/ч. «Ласетти BVD» русумли, д/р. 10 N 399 BA. Бошланғич баҳоси — 39 743 000 сўм. 25. 07.02.2012 й. № 2-134/2012 - сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. и/ч. «Дамас» русумли, д/р. 10 550 САА. Бошланғич баҳоси — 22 652 000 сўм. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 8-сонли жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 22 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридиги автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси 2013 йил 22 март куни савдода сотилмалар тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини ва ишлаб чиқариш ускунасини сотиш юзасидан тақрорий савдо 2013 йил 8 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан

маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси билан суд департаменти вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000104887305002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Саноат корхонаси «Корхона бош энергетикнинг биринчи ўринбосари» лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Даввогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олиш маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан паст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади.

Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд.

Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созловчилари ишга қабул қилинади.

Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди.

Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар: 241-10-81, 929-55-97.

Хизматлар лицензияланган.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Маълумки, Тошкент шаҳрида 2012 йил 1 апрелдан бошлаб шошилинч ва махсус хизматларга чиқиш рақамлари «0X» ва «0XX» дан «1XX» ва «10XX»га ўтказилган эди. Аммо пойтахт аҳолиси ва ташриф буюрган меҳмонлари томонидан аввалги 02, 03, 04 каби телефон рақамларига боғланишлари оқибатида турли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан чора кўришда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида азиз ҳамшаҳарларимизга қуйидаги махсус хизматларга чиқиш рақамларини ана бир бор эслатиб ўтмоқчимиз:

«01» (ёнгин хавфсизлиги) рақами «101»
«02» (милиция) рақами «102»
«03» (тез ёрдам) рақами «103»
«04» (газ-ҳизмат) рақами «104»
«050» (қўлқарув хизмати) рақами «1050»
«0xx» (бошқа хизматлар) рақамларини «10xx» рақамларига ўзгартирилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 29.03.2012 йилдаги 1-1105/12-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 1-тор, Лолазор кўчаси 52-уйда жойлашган, умумий ер майдони 350,0 кв.м., фойдаланиш майдони 229,40 кв.м., бўлган 5 та яшаш хонаси, 2 та холл, даҳлизи, ошхона, 2 та ҳаммом, зинапоё, 2 та соябондан иборат уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 179 000 000 сўм.**

Савдо 2013 йил 27 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2013 йил 25 март куни соат 18:00

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМХС» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент шаҳри, Мировод тумани, 4-Қўйлик мавзеси, 21-уй, 21-хонадонда яшовчи Позилова Дилбархон Турғинбоевнага тегишли бўлган уй кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

П.Ф. Боровский номли Тошкент тиббиёт коллежи томонидан 2012 йил 2 июлда Исматова Руқия Камолиддин қизи номига берилган 8230 рўйхат рақамли, К № 27 12 935 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси фахрий ходим **Собир Арипович ҚОСИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Спорт

ЎРТОҚЛИК
УЧРАШУВЛАРИ

Футбол бўйича мамлакат XXI миллий чемпионатининг профессионал футбол лигасида муваффақиятли тўп суриб ўз тарихида илк марта учинчи ўринни қўлга киритган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси ҳам БАА сафаридан қайтди.

Гап шундаки, жорий йилда ҳам ўз олдига янада юксак мақсадларни қўйган «Локомотив» БАА яшил майдонларида икки ҳафталик ўқув-йигин машғулотларини ўтказди. Машғулотлар доирасида темирўлчи-лар икки марта назорат-ўртоқлик бахсларида ўз омадларини синаб кўришди.

Дастлаб Украина чемпионати Донецкнинг «Шахтёр» клубига қарши уюштирилган ўртоқлик баҳсида тошкентликлар кучли рақибга муносиб қаршилиқ кўрсатишга интилишди. Мурасиз ва қизқарли кечган учрашув 1:2 ҳисобида донецкликларнинг ғалабаси билан якунланди. «Локомотив» жамоасининг ягона голига Зайниддин Тожиев муаллифлик қилди.

«Локомотив» жамоаси иккинчи ўртоқлик учрашувида «Ал-Шабаб» клуби билан куч синашди. Тенгма-тенг ва мурасиз ўтган баҳсда 2:2 ҳисоби қайд этилди. «Локомотив»дан рақиблар дарвозасига голларни Зайниддин Тожиев ва Иброҳим Раҳимов киритишди.

Акбар Йўлдошев



Баркамол авлод

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Ушбу машғулотлар болажонларнинг нафақат чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишига, балки ижодий тафаккурини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, вояга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ижодий ва бадий қобилиятларига кўра тўғарақларга жалб этиш, касб-хунарга йўналти-

риш мақсадида Миробод тумани «Баркамол авлод» болалар марказида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказда асосан бадий ижодиёт йўналишидаги тўғарақлар фаолият олиб бормоқда. Жумладан: «Майда пластика» (тўғарақ раҳбари Ф.Хуснитдинходжаева), «Мунчоқли безак» (Ш.Эргашева), «Тўқиш» (М.Ғазиева), «Юмшоқ ўйинчоқ» (Н.Мўминова), «Би-чиш-тикиш» (М.Дўстқобилова), «Тас-

Болалар

жамиятимизнинг эртанги куни, ёрқин келажаги бўлиб, уларни тарбиялаш ва ўқитиш бугунги кундаги энг устувор вазифалар сирасига кирди. Шу сабабли «Обод турмуш йили»да мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мактабдан ташқари шароитларда ҳам билим олиши ва хунар ўрганиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

вирий санъат» (Ф.Астанова), «Дурад-горлик» (Т.Улмасов), «Фольклор» (тўғарақ раҳбарлари Ш.Юлдашев, З.Мухаммадов) тўғарақларига катта кизиқиш ва иштиёқ билан қатнашмоқдалар. Ҳозирги кунда марказда жами 260 нафар ўқувчи 19 та тўғарақларга жалб этилган бўлиб, машғулотлар жараёнида болаларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, она юртга муҳаббат каби фазилатлар шакллантирилади, мусиқий, ижодий ва бадий қобилиятлари ривожлантирилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: тўғарақларда машғулотлар мана шундай қизиқарли ўтади.
Козим Улмасов олган сурат

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ўсиб-униб келаётган ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, юксак тафаккур, ақл-идрок эгаси, бир сўз билан айтганда баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар — келажагимиз

СОҒЛОМ ТУРМУШ — ЮКСАК ТАРБИЯ АСОСИ

институтларда, коллежлару лицейларда таҳсил олмоқда, ҳар томонлама маънавий юксак ва етук инсон бўлиш имкониятига эга бўлган бахтли ёшлардир. Булар яхши, албатта. Аммо...

Мана шу аммо... бугун бизни ўйлатиб, ташвишга солмоқда, огоҳликка чақирмоқда. «Гуруч ичида курмак» бўлганидек, айрим ёшлари-


миз яратилган шарт-шароитлар, имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига қинғир йўлларга кириб қонунбузарликка қўл урмоқдалар, гиёҳвандлик балосига учрамоқдалар. Минг афсуски бундай ёшлар ҳаётни, яшашнинг моҳиятини бошқача тушунади-лар. Уларнинг онгига енгил-елли ҳаёт кечириш, осонгина пул топиш ва совуриш

сингари беъмани фикрлар ўрнашиб, шуларга ишониб қолган.

Ахир бугун бутун дунё аҳолиси «Гиёҳвандлик балосидан» азият чекиб, ундан халос бўлиш учун қўлни қўлга бериб унга қарши курашишга чақираётган вақтда нафақат ёшлар, балки биз катталарнинг ҳам ушбу иллатга лоқайдлик билан қараётганимиз ачинарли албатта.

Ниятимиз битта. У ҳам бўлса шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир касб эгаси ўзини бу ишда масъул деб билиши, ёшларнинг бирон касб-хунарни эгаллаб, ҳаётда ўз ўринларини эгаллашларига ҳисса қўиши лозим. Зеро, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш умумдавлт миқёсидаги вазифадир.

Дилфуза
АЛИМЖОНОВА,
Шайхонтохур тумани
3-давлат нотариал
идораси нотариуси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаётда шундай одамлар борки, мақсадини ўзидан узоқлаштириб, сўнг минг интилиб ҳам унга яқин боролмайди.

Ҳеч бир гуноҳ исзиз йўқолмайди, бир куни келиб ёқангдан ту-тади.

Диёнат ҳамиша ноёб бўлади.

Бир ёлғон ортидан иккинчи ёлғонни бошлаб келади, иккинчиси учинчиси... Шу тариқа бир ёлғон гапирган одам кейин ёлғонлар домига тушиб қолади.

Табиатида ёмонлик бўлмаган одам ёмон билан топишмайди.

Очиқ кўзларнинг ҳаммаси ҳам кўравермайди.

Ўжар ўз йўлини тўсар.

Ёмоннинг инсофга келиши — ушалмас орзу.

Ёмонга тенг бўлиб обрў ололмай-сан.

Мол-дунё бахтга олиб борадиган воситагина, зинҳор бахтнинг ўзи эмас.

Одамга ҳамиша бир нима ет-майди.

Вақт ҳамма нарсадан муҳим.

Бахиллик шароитга эмас, табиатга боғлиқ.

Ортига эмас, олдига боққан ютади.

Феъли торнинг душмани ўзи.

Ўзини ўйлаган бошқани ўйла-майди.

Ҳаётнинг азалий ва абадий қону-ниятлари бор — улардан устун ке-либ бўлмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Кўргазмалар

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошевнинг 80 йиллик юбилейига бағишланган кўргазма ташкил қилинди.

Кўргазмада Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари Ж. Миртожиев, Ўзбекистон халқ рассоми А. Мирзаев ва бошқалар Ўртоқимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маданият, санъат ривожига қаратилаётган улкан эътибор, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, «Устоз ва шогирд» аъналарини давом эттириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказишдек улғу мақсадлар сари қадим ташланаётганини таъкидлашди.

Муборак Йўлдошев олий таълим даргоҳини тамомлаб, республика-миздаги қатор театр жамоаларида саҳна рассоми бўлиб фаолият олиб борган. «Ёрилтош», «Тоҳир ва Зухра», «Равшан ва Зулхумор», «Зафар», «Самарқанд афсонаси», «Жизель», «Қашмир афсонаси» сингари кўплаб спектаклларга ёрқин декорациялар яратган.

Шу билан бирга узоқ йиллар да-вомида талабаларга санъат сабоқ-ларини берган. 2000 йилда Ўзбеки-стон халқ рассоми деган юксак ун-вонга сазовор бўлган.

Истеъдодли мўйқалам соҳиби 2003 йилда — 70 ёшини қаршилаган бир пайтда Ўзбекистон Бадий академи-яси Марказий кўргазмалар залида, санъат аҳлига 400 дан ортиқ асар-ларини тақдим қилди. Муборак Йўлдошевнинг асарлари нафақат республикамиз миқёсида, балки, чет мамлакатлардаги халқаро кўргазма-ларда ҳам ўз ўрнига эга.

— Мен Истиқлол берган неъмат-лар туфайли эркин ва самарали меҳ-нат қилиш имкониятидан унумли фойдаландим, — дейди Муборак Йўлдошев. — Миллий меросимизни асраб-авайлаш, қадимий бой қадри-ят ва аъналаримизни тиклаш, уларнинг мазмун-моҳиятини киши-ларга етказиш масъулияти боис



қўллаб янги асарлар яратдим. Ҳар бир асарим ғоясида улғу аждодлар ёди, улар қолдирган бой мерос, мардлик, софлик ва инсонийликнинг энг олижаноб туйғуларини акс этти-ришга интилдим. Агар мен яратган асарлар келажак авлод учун ибрат-ли бир мактаб вазифасини ўтаса, мухлислар қизиқиш, ифтихор билан уларни томоша қилса, ҳаяжонланса, маънавий озиқ олса ўтган ҳаётим-дан худаям мамнун бўламан.

Кўргазмада рассомнинг саҳнавий безаклари ва декорациялари, ли-бослар эскизлари, халқ дostonла-

ри ва ривоятларига ишланган кар-тиналари, кўхна қишлоқларимиз, обод ва озод Ватанимиз манзаралари, меҳнаткаш халқимиз тасвир-ланган икки юздан ортиқ асарлар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросими-да эл севган хонандалар рассомни қўтлуг ўши билан муборакбод этиб, ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд қил-дилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 241

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
13549 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ